



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 3 ноябрь, № 234 (8577)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ: ҚАТЪИЙ ИШОНЧ ВА АЗАЛИЙ ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИДА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон 1-2 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Ўзбекистон ва Франция. Бу икки мамлакатни бир неча минг километр масофа ажратиб турса-да, савдо-иқтисодий, маданий алоқалар тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Хусусан, соҳибқирон Амир Темура Франция қироли Шарль VI билан мактуб алмашиб, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга эътибор қаратган. Европанинг бошқа давлатларига қараганда Францияда буюк Соҳибқирон ва темурийлар ҳақида кўплаб илмий, бадиий асарлар яратилган, буюк жаҳонгирнинг давлатчилик сиёсати чуқур ўрганилган. Айнан ушбу юртда Соҳибқирон шарафига илк бор олтиндан ҳайкал ишланган.

Франция мамлакатимиз мустақиллигини ҳам биринчилардан бўлиб 1992 йил 3 январда эътироф этган. Давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 1 мартда ўрнатилган бўлиб, 1992 йил июнда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, 1995 йил март ойда эса Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси фаолият бошлаган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Франция капитали иштирокидаги 47 корхона, жумладан, тўлиқ Франция сармояси асосидаги 17 корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йил апрель ойда Тошкентда Франция Тadbirkorлар ҳаракати — “MEDEF International” билан ҳамкорликда ташкил этилган бизнес форумида 35 дан ортиқ Франция компаниялари вакиллари иштирок этди.

Франция тараққиёт агентлиги (AFD) билан имзоланган 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида қиймати 1 миллиард евродан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон — Франция” дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Франция муносабатларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 ва 2022 йилларда Францияга амалга оширган расмий ташрифлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жумладан, ўтган йил 22 ноябрь куни Париждаги учрашув чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, муносабатларни юксак даражадаги кенг қамровли шериклик руҳида ривожлантиришга қилишиб олгандилар. Ўзбе-

кистон Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Президенти Эммануэль Макронни ўзи учун қулай вақтда ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф этганди.

Франция Президентининг юртимизга ташрифи асосий тadbirkorлари 2 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан бошланди.

Конгресс маркази олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Президенти олий мартабали меҳмонни самимий қарши олди ва шоҳсупага таклиф қилди.

Ҳарбий оркестр ижросида икки мамлакат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул давлат раҳбарлари олтидан тантанали юриб ўтди.

Ўзбекистон ва Франция Президентлари расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида мамлакатимиз етакчиси Франция Президентининг Ўзбекистонга охириги 30 йилдаги илк ташрифи тарихий аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Эммануэль Макрон давлатимиз раҳбарига ташриф билан қилиш таклифи ҳамда Франция делегациясига кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Франция раҳбари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ортага қайтмас ислохотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Етакчилар Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар ҳамда икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришга қилишиб олдилар.

Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — Франция муносабатлари барча йўналишда жадал ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони қаррасига ошгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий ва истиқболли лойиҳалар портфели 10 миллиард евродан ошди.

Франция тараққиёт агентлиги билан 1 миллиард евролик Стратегик ҳамкорлик дастури амалга оширилмоқда.

“Яшил” энергетика, хомашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, инновацион қишлоқ ҳўжалиги, сув таъминоти, логистика, инфратузилмани ривожлантириш, туризм ва бошқа соҳаларда янги йирик лойиҳаларни илгари суриш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишончли мустақамлаш бора-сидаги саъй-ҳаракатларини, шунингдек, мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлишини ҳамда Евроиттифоқ билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим тез фурсатда имзоланишини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр экани таъкидланди.

Сиёсий мулоқотни давом эттириш, хавфсизлик, юзага келаётган таҳдид ва хатарларга самарали қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик кун тартиби бой экани мамнуният билан таъкидланди. Ўзбекистонда француз тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани айтилди.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Франция олий таълим муассасасини очишни тезлаштириш ҳамда француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш бора-сидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қилишиб олинди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Давлатимиз раҳбари учрашувни очар экан, Франция Президентига расмий шахслар, етакчи компаниялар раҳбарлари, таниқли маданият ва фан арбобларидан иборат нуфузли делегация бошчилигида Ўзбекистонга келгани учун миннатдорлик билдирди.

— Бу сиёсий Ўзбекистон — Франция дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашга шахсий эътиборингиз ва алоҳида ёндашувингизнинг ёрқин тасдиғидир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар тўғрисида икки мамлакат муносабатлари кенг қамровли тус олгани таъкидланди.

Томонлар фаол сиёсий алоқаларни, парламентлар, ҳукуматлар, ташқи

сиёсий ва иқтисодий идораларнинг мунтазам мулоқотини давом эттиришга қилишиб олдилар.

Ҳисоб-китобларга кўра яқин орада 1 миллиард еврога етиши кутилаётган товар айирбошлаш жадал ўсаётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий ва истиқболли лойиҳалар портфели 10 миллиард евродан зиёдни ташкил этмоқда.

Юртимизда Франциянинг “Orano”, “EDF”, “Total Energies”, “SUEZ”, “Eiffage”, “Volitalia”, “Lactalis”, “Veolia” ва кўплаб бошқа етакчи компаниялари муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари қазиб олиш тармоғи, стратегик хомашё ресурсларини қайта ишлаш, гибрид, қўёш ва шамол электр станцияларини қуриш, сув таъминоти тизимларини модернизация қилиш, “акли” қишлоқ ҳўжалигини жорий этиш, шаҳар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, туризмни ҳамкорликнинг устувор соҳалари сифатида қайд этди.

Ишбилармонлар ўртасидаги шериклини илгари суриш учун Ўзбекистон — Франция савдо палатаси ишга тушиш ҳамда Тошкентда “Business France” агентлигининг офисини очиб режалаштирилган эълон қилинди.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида уч йиллик дастур қабул қилиш ва унинг доирасида ўзаро Маданият қуналарини ўтказиш таклиф қилинди.

Томонлар Самарқанд шаҳрида Франция альянси филиали очилишини олқишладилар ҳамда қўшма олий таълим муассасасини ташкил этишни жадаллаштиришга қилишиб олдилар.

Франциянинг турли шаҳарларидан Самарқанд, Бухоро ва Хивага чартер рейсларни ташкил этган ҳолда сайёҳлар алмашинувчи ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Халқаро кун тартибидаги масалалар, хавфсизликка умумий хатар ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни давом эттириш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон етакчиси Франция Президентига 2024 йилда Париж шаҳрида ёзги Олимпия ўйинлари давлат раҳбарлиги ўтишини тилади.

Мунтазам раҳбарли эришилган барча қилишувларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тайёрлашга топширик бердилар.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган му-

зокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Қўшма баёнот қабул қилдилар.

Ҳужжатда икки давлатнинг ўзаро муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш нияти қайд этилган.

Икки томонлама ҳамкорликнинг жорий ҳолатига ҳамда турли соҳаларда давлатлараро муносабатларни кенгайтириш истиқболларига баҳо берилган, томонлар халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга, долзарб глобал ва минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал қилишга интилиши тасдиқланган.

Президентлар ҳузурда молия, таълим, маданият ва ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари бўйича 8 та икки томонлама ҳужжат имзоланди. Жумладан: — “Самарқанд Француз Альянси”ни ташкил этиш ва унинг фаолияти тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Ўзбекистонда ичимлик суви таъминоти инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳукуматлараро молиявий баённомалар (1 ва 2-босқичлар);

— Ўзбекистонда Франция тараққиёт агентлиги ва “ПРОПАРКО”ни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида баённома;

— ташқи ишлар вазириликларни ўртасида дипломатик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида декларация;

— мактабгача, мактаб, профессионал ва олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида декларация;

— профессионал ва техник таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида келишув.

Шунингдек, ташриф доирасида Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жағмараси ҳамда “SUEZ” ва “Voiesnavigables” компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида декларациялар имзоланди.

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида Самарқанд шаҳрида қўшма бизнес форуми бўлиб ўтди. Унинг ишида икки давлат раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил ноябрь

ойида Францияга расмий ташрифи давомида ҳам ушбу мамлакат ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари билан учрашган. Ушунда савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклини кенгайтириш юзасидан аниқ қилишувларга эришилган эди. Бугунги учрашув ушбу очик ва конструктив мулоқотнинг давоми бўлди.

Франция томонидан тadbirkorлар савдо, иқтисодий жозибадорлик масалалари ва хориждаги француз фуқароларининг ишлари бўйича вазир-депутат Оливье Бешт, иқтисодиёт, молия, саноат ва рақамли суверенитет вазири ҳузурдаги саноат масалалари бўйича вазир-депутат Ролан Лескор, “MEDEF International” бизнес уюшмаси бош директори Клод Имовен, Франция тараққиёт агентлиги бош директори Реми Риу қатнашди.

Бундан ташқари, тadbirkorлар “EDF”, “Volitalia”, “Total Energies”, “Orano”, “Eiffage”, “Veolia”, “SUEZ”, “Lactalis”, “Semal”, “Semmaris”, “Alstom”, “Airbus Helicopters”, “ATR”, “Vicat”, “Mobilias”, “Boehringer Ingelheim”, “Thales”, “Aramine”, “Meridiane”, “Societe Generale”, “Natixis” каби йирик компания ва банклар раҳбарлари иштирок этди.

Кўҳна Самарқанддаги учрашувни очар экан, давлатимиз раҳбари Президент Эммануэль Макронни ва Франция ишбилармон элитаси вакиллари самимий қутлади.

Олий даражадаги фаол мулоқотлар тўғрисида ҳамкорликда ижобий суръат қузатилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Йил бошидан ўзаро савдо ҳажми уч баробар, кейинги йилларда қўшма корхоналар сони тўрт баробар қўнайди.

Тўғридан-тўғри савдо алоқалари ва саноат кооперациясини янада мустақамлаш икки мамлакатнинг узок муддатли манфаатларига мос экани қайд этилди.

— Бугун кадрли ҳамкасбим билан ниҳоятда самарали музокараларни ўтказдик, ҳамкорлигимизнинг янги даври бошланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Келгусида ўзаро муносабатларимизни стратегик шериклик даражасига кўтариш ниятидамиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСТАНАГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан амалий ташриф билан Остана шаҳрига келди.

Аэропортда давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Бош вазири Алихан Смаилов кутиб олди.

Бугун мамлакатимиз етакчиси Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этади.

Ў.А.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2-3 ноябрь кунлари Остана шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилишида иштирок этади.

Биз ва жаҳон

Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон ушбу ташкилотнинг аъзолари, Венгрия ва Туркменистон кузатувчи давлат мақомига эга.

Давлат раҳбарлари кенгаши ТДТнинг олий органи бўлиб, ўз фаолиятини ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари шаклида амалга оширади. Ташкилот долзарб халқаро муаммоларни ҳал қилишда ҳам-

корлик масалаларини қўриб чиқади, алоқаларнинг устувор йўналишларини белгилайди. Йиғилиш йилда бир мартаба ўтказилади.

2022-2023 йилларда Ўзбекистон тузилмага раислик қилди. Раислик йили 2022 йил 11 ноябрда Самарқандда бўлиб ўтган ТДТ саммити билан очилган. Экспертлар ва ТДТ аъзоларининг фикрига кўра, тарихий саммит натижалари ташкилотни ривож-

лантиришда янги босқични бошлаб берди: жумладан, савдо ва божхона тартибларини соддалаштириш, шунингдек, Инвестиция жағмарасини яратиш тўғрисидаги муҳим шартномалар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда сўзга чиқиб, Ўзбекистон ҳам ўз раислиги даврида “Туркий дунё нигоҳи — 2040” концепцияси ҳамда қабул қилинаётган “Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси”ни самарали амалга ошириш, 170 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган ташкилот нуфузини янада мустақамлаш ва энг асосийси — тарихи, тили ва маданияти муштарак

бўлган қардош халқлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш нияти эканлигини таъкидлаган эди.

Ўзбекистон раҳбари ташкилот фаолиятини чуқур таҳлил қилиш асосида туркий давлатларнинг улкан салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланишга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги даврида 30 дан ортиқ йирик тadbirkorлар, жумладан, мамлакатларимизнинг иқтисодиёт, савдо, соғлиқни сақлаш, таълим, космос, энергетика ва махсус хизматлар вазириликлари ҳамда идоралари раҳбарларининг учрашувлари ўтказилди.



ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ: ҚАТЬИЙ ИШОНЧ ВА АЗАЛИЙ ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИДА ДАВОМ ЭТАДИ

(Давом. Бошлангичи 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида етакчилар келгусида савдо ҳамжларини кескин ошириш, Франция компанияларининг инвестициявий фаолиятини фаоллаштириш масалаларига ҳар томонлама қўмаклашишга қелишиб натижаларини қайд этди.

Бунда қўшма лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги механизмлари жорий қилинади, бизнес учун янада қулай шaroитлар яратилади ва ишбилармонлик ташаббусларига ҳар томонлама қўмаклашилади.

Бугунги кунда энергетика, тоғ-кон саноати, сув таъминоти, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, банк-молия ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликда катта натижаларга эришилмоқда.

Франциянинг ишбилармон доиралари билан самарали ва очқ мулоқотни кенгайтириш учун янги сермахсул платформаларни яратишга тайёрлик билдирилади.

Шу маънода, мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон — Франция савдо палатасини ташкил этиш бўйича форум доирасида эришилган қелишувни олқишлади. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида “Business France” агентлигининг офисини очиш режалари қўллаб-қувватланади.

Франция ҳўкумати, етакчи компаниялари ва молия институтлари Ўзбекистондаги ислохотлар дастурини фаол қўллаб-қувватлашда давом эттиришдан манфаатдорлик билдирилади.

— Бир нарсани аниқ айтишим мумкин — ислохотларимиз орқага қайтмас тўс олди. Бизнинг бош устувор мақсадимиз — кучли фуқаролик жамияти институтлари, замонавий инфратузилма ва қудратли саноатга эга бўлган демократик давлатни қуришдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон — Франция шериклигини кенгайтириш бўйича тўртта энг устувор йўналишни қўрсатиб ўтди ва қатор ташаббусларни илгари сурди.

Мамлакатимиз “яшил” энергетикадек муҳим соҳада стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр экани таъкидланди. Бу борада “EDF”, “Voitalia” ва “Total Energies” компаниялари билан йирик лойиҳалар бошланган.

Кооперациянинг яна бир муҳим йўналиши сифатида стратегик ҳамшёр ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва илгор технологиялар асосида саноат махсулотларини ишлаб чиқариш қайд этилди. Бу соҳада “Orano” компанияси билан шерикликни кенгайтириш режалари борлиги таъкидланди.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва замонавий инфратузилмани барпо этиш муҳим устувор йўналиш сифатида қўрсатиб ўтилди. “SUEZ”, “Eiffage” ва “Veolia” компаниялари би-

лан биргаликда юртимиз сув таъминоти ва иситиш тизимларини модернизация қилиш бўйича катта ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Навбатдаги муҳим йўналиш сифатида қишлоқ ҳўжалигида рақобатбардошликни ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан мамлакатимиз ҳудудларида замонавий агрологистика мажмуаларини қуриш бўйича Франция томони билан фаол ҳамкорлик қилиниши қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Президенти бизнес-форум икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида амалий мулоқотни жадаллаштириш ҳамда янги “ўсиш нуқталари”ни белгилаб олишга қаратилгани билан, айниқса, аҳамиятли эканини таъкидлади.

— Янги Ўзбекистонда ишлаш учун франциялик ҳамкорларимизга эшикларимиз доим очқ эканини, қандай фойдали қўшма лойиҳалариниз бўлса, амалга оширишга доим тайёрлигимизни таъкидламоқчиман, — деди давлатимиз раҳбари сўзининг якунида.

Франция Президенти Эммануэль Макрон ҳам бизнес форуми иштирокчиларига мурожаат қилди. У Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, ушбу сиёсат тўғрйли икки томонлама инвестициявий ҳамкорлик учун катта имкониятлар очилганини қайд этди. Ўзаро манфаатли шерикликда мавжуд улкан салоҳиятни янада фаол ишга солишга қачирди, бундан мамлакатларимиз иқтисодийлари ва халқлари манфаат топишига ишонч билдирди.

Бизнес форуми якунида энергетика, металлургия, сув таъминоти, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва бошқа муҳим соҳаларда эришилган қелишувлар бўйича салмоқли ҳўжатлар тўплами имзоланди.

Ўзбекистон — Франция бизнес форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Orano” компанияси раиси Клод Имоев, “EDF” компанияси раиси ва бош директор Люк Ремон ҳамда “Semmaris” компанияси раиси Стефан Лаяни, “Meridiane” компанияси раиси Тьерри До, “Lactalis” компанияси раиси Эммануэль Бенье, “Boehringer Ingelheim” компанияси раиси Кристиан Вихсен ва Франция тараққиёт агентлиги раҳбари Реми Риу билан учрашў ўтказди.

Мулоқот чоғида мазкур компаниялар ва агентлик билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, биргаликда амалга оширилаётган ва истиқболдаги лойиҳаларга қадам ранжида қилади. Давлатимиз раҳбари юртимизда Франция тадбиркорларининг самарали фаолият юритиши учун барча имконият ва қулайликлар яратилишини қайд этди.

Самарқанддаги олий даражадаги музокаралардан сўнг Президент Шавкат

Мирзиёев ва Франция Президенти Эммануэль Макрон мамлакатларимизни янада яқинлаштириш ва халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қатъий интилиш белгиси сифатида Самарқанддаги Конгресс маркази боғида дарахт экидлар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Президенти Эммануэль Макрон мамлакатимиз маданий меросига бағишланган қўрғазма билан танишдилар.

Унда мамлакатимизнинг 7 та музейидан экспонатлар жамланган. Халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданияти ҳақида тасаввур берувчи бу нодир ашўлар хронологик экскурсия тарзида жойлаштирилган.

Маълумки, юртимиз ҳудуди трансконтинентал алоқалар ривожланиши билан савдо, фан, таълим, маданият ва мейморчилик марказига айланган. Қадимий ёдгорликларда қўллаб маданиятлар — туркий, форсий, юнон-бақтрия, араб, ҳинд, хитой ва бошқа халқлар қадриятларининг излари бор. Қизикарли намоийш томошабинга экспонатларнинг нафислигини, маданий ва тарихий аҳамиятини тушунишга ёрдам беради ҳамда мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиш истагини уйғотди.

Қўрғазма 3 та бўлимдан иборат. Биринчи бўлим қадимги давлатлар даври, маданиятларнинг Ипак йўли орқали тарқалиши, Кушоналар империяси ҳақида бўлиб, ҳайкалчалар, тилла буюмлар ва тангалар намойиш этилган. Уларнинг айримлари Ўзбекистон ва Франция олимларининг биргаликдаги экспедициясида топилгани диққатга сазовор.

Иккинчи бўлим қадимги ва ўрта асрларда санъат ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши, йўллар ва қарвонлар мавзуси билан таништиради.

Учинчи бўлим Ренессанс ва теурийлар даврида Марказий Осиёда ислом динининг тарқалиши, маданият ва илмфан ривожланиши ҳақида. Бу ерда меҳмонлар Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий каби улўғ алломаларнинг қўлёзмалари билан танишиши мумкин. Бу бўлим буюк ҳўқмдор Амир Теумур сиймоси атрофида ташкил этилган бўлиб, унда ўша даврга оид безак буюмлари ва Франция қиролининг Соҳибқиронга йўллаган мактуби тақдим этилган.

Қўрғазма Франция Президенти ва делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макрон Француз альянсининг Самарқанд шаҳридаги филиалига ташриф буюрдилар.

Француз тили ва маданиятини тарғиб қилишга қўмаклашувчи ушбу ноҳукумат нотихорат ташкилот 1883 йилда Париж шаҳрида Жоль Верн ва Луи Пастер каби ўз даврининг атоқли шахслари

ташаббуси билан тузилган. Бугунги кунда Француз альянсининг 800 дан зиёд филиаллари дунёнинг 137 та мамлакатда фаолият юритмоқда.

Альянсининг мамлакатимиздаги биринчи филиали 2015 йилда Тошкентда очилган эди. Маданият ва тил соҳасидаги икки томонлама алмашинувларни янада кенгайтириш мақсадида яқинда Самарқанд шаҳрида яна бир филиал ташкил этилди.

Ташриф чоғида давлат раҳбарлари тасмани тантанали равишда кесдилар ва марказни очиб бердилар.

Президентлар замонавий жиҳозланган марказнинг имкониятлари билан танишдилар. Бу ерда француз тили ва адабиёти бўйича ўқув курслари ташкил этилади. Марказ 200 нафаргача француз маданиятига қизиқувчиларни қабул қила олади.

Альянсининг Самарқанддаги фаолияти халқларимизни янада яқинлаштириш, ўзаро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилади.

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон мамлакатимизга расмий ташрифи доирасидаги тадбирлар якунида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрининг қадимий обидалари билан танишди.

Давлат раҳбарлари дастлаб Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейини бориб қўрди.

Маълумки, Муҳаммад Тарагай Мирзо Улуғбек Амир Теуurning суюкли набираси бўлган, Соҳибқироннинг эзгу ишларини давом эттирган. У ҳам ҳўқмдор, ҳам олим сифатида илм-фан ва маданиятни ривожлантирган, бунёдқорликка катта эътибор қаратган. Ўрта асрлардаёқ ноёб расадхона барпо этиб, осмон жисмларини куда аниқ ўрганган.

Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди Қўрагоний” асари дунё астрономиясида муҳим қўлланма ҳисобланади. Уни Европа, жумладан, францияликлар ҳам яхши билишади.

Хусусан, француз астрономи Жозеф-Николя Делил фаолияти давомида Мирзо Улуғбекнинг асарларини ўрганган. “Зижи жадиди Қўрагоний” асарини лотин тилига таржима қилдирган. Делил 1739 йилда буюк бобокалонимизнинг астрономия жадваллари ҳақида нутқ сўзлаган. Ушбу нутқнинг матни ҳозиргача сақланиб қолган.

Бу каби маълумотлар икки халқ алоқаларининг тарихий илдиэлари қанчалик теранлигини қўрсатади. Меҳмонлар музейда Мирзо Улуғбек даврига оид ашўлар, китоблар, қўлёзмалар, асл нусхадаги квадрант асбобини қўздан кечирди.

Президентлар Амир Теумур мақбарасига борди.

Олий мартабали меҳмонга буюк Соҳибқироннинг ҳаёти, ҳарбий маҳорати, бунёдқорлик ишлари ҳақида сўзлаб берилди.

Амир Теумур ўз куч ва салоҳияти билан ҳўқмдорлик даражасига чиққан. Хиндистондан Европагача бўлган ҳудудда барқарор давлат барпо этган нодир шахсдир. Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари ва дипломатияси узоқ ўлкаларга ҳам катта таъсир қўрсатган. Европа қироллари Амир Теумур давлатини тан олиб, у билан алоқа ўрнатишга интилган.

Шу боис ҳам бутун дунёда Амир Теумур шахсига ва теурийлар меросига қизиқиш катта. Жумладан, 1988 йилда Францияда Теурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ассоциацияси тузилган. Унинг собиқ президенти, профессор Люсен Керен Амир Теумур ва теурийлар даврини қўп йиллар давомида тадиққ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари яқинлашишга катта ҳисса қўшгани учун Ўзбекистоннинг “Шўҳрат” медалли билан тақдирланган.

1996 йилда Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида “Теурийлар даврида илмфан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши” номли қўрғазма бўлган. Ўтган йилли давлатимиз раҳбарининг Францияга ташрифи доирасида Лувр музейида ташкил этилган “Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Қарвон йўллари чорраҳасида” қўрғазмаси катта воқеа бўлган эди. Унда теурийлар меросига алоҳида ўрин ажратилди.

Давлат раҳбарлари Регистон мажмуасида ҳам бўлди.

Маълумки, бу маскан Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллоқари мадрасаларидан иборат. Мирзо Улуғбек ва Баҳодир Ялангтўш қўрдирган бу обидалар асрлар давомида илм ахлини ўзига қорлаб келган, юзлаб олим фузалоларга мактаб бўлган. Ажойиб симметрия ва мейморий қиёфа касб этган мажмуа бугунги кунда Самарқанднинг “ташриф қоғози”га айланган.

Меҳмонларга аждодларимизнинг мейморчилик анъаналари, пештоқлардаги нақшлар ва маънолар ҳақида сўзлаб берилди.

Сўнг Президентлар Шоҳи Зиндага борди. Бу мажмуа саҳоба Қусам ибн Аббос ва алломаларнинг мақбараларидан иборат. Маълуманинг тарихий, маданий ва бадий қиммати шундаки, у архитектура ва безак санъатининг бир неча асрлар давомида ривожланиши ҳақида тасаввур беради. Шоҳи Зинда 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шу жиҳатлари билан сайёҳларни ҳаммиса ўзига жалб этади.

Меҳмонлар мажмуа дарвозаси ва мақбаралар тарихи билан танишди, нақшлар нафислигини эътироф этди.

Шу билан Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
Ўза мухбирлари.

Дунё нигоҳи

Франция Президентининг Ўзбекистонга ташрифи француз ОАВда кенг ёритилмоқда

Франциянинг нуфузли босма ва электрон нашрларида Президент Эммануэль Макроннинг Ўзбекистонга расмий ташрифига алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек, уларда мамлакатимизнинг улкан салоҳияти таъкидланмоқда.

Хусусан, “SudOuest” газетасида босилган мақолада Эммануэль Макроннинг Ўзбекистонга икки кунлик расмий ташрифи давомида қўллаб мавзулар муҳокама қилиниши маълум қилинган. “У 1994 йил Франсуа Миттерандан кейин Ўзбекистонга ташриф буюрган биринчи Франция Президентидир, — деб ёзилади нашрда. — Хитойни Европа билан боғлаган қадимий Ипак йўлидаги ушбу асфановий шаҳар қоқ марказидаги мадраса ва мақбараларга қадам ранжида қилади”.

Оммабон “Le Monde” оқшом газетасида Франция Президенти Эммануэль Макрон 1 ноябрь кун И Ўзбекистонга ташриф буюргани маълум қилинган. “Президент катта аҳамият бераётган ушбу ташриф, Елисей саройи маълумотларига қўра ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган, — дейилади мақолада. — Франция раҳбари Ўзбекистонга ташрифи орқали иқтисодий алоқаларни, хусусан, тоғ-кон саноатини ривожлантиришга умид қилимоқда”.

Ушбу мавзуга бағишлаб “La Tribune” газетасида босилган мақолада ёзилишича, Елисей саройи қайд этганидек, воқеаларга бой бўлган халқро кун тартибига қарамай Эммануэль Макрон ушбу минтақага бориш орқали “суверенитетни ва ҳамкорликни диверсификация қилиш истагини қўллаб-қувватлаш” ниятида эканлигини намойиш этди. “Марказий Осиёнинг энг қўп аҳолиси бўлган Ўзбекистонга Франция Президенти қарийб 30 йиллик танаффусдан сўнг илк марта бормоқда. Чунки 1994 йилдан буён Франциянинг бирорта Президенти ушбу мамлакатга ташриф буюрмаган, — дейилади мақолада. — Ўтган беш йил ичида Президент Шавкат Мирзиёев Францияда икки марта бўлди. Биринчи расмий ташриф Президент Эммануэль Макроннинг тақлифига биноан 2018 йилнинг 8-9 октябрь кунлари уюштирилди. Франция Республикаси 2016 йилда Ўзбекистон Президенти лавозимига қиришганидан сўнг ташриф буюрган биринчи Европа давлати бўлди. 2022 йил 21-22 ноябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга иккинчи расмий ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф натижасида 14 та икки томонлама ҳўжат, шунингдек, 6,086 миллиард евролик 59 та битим ва шартнома имзоланди”.

Ушбу мамлакатнинг энг қадимий ва машҳур қудналик босма нашрларидан бири — “Le Figaro” газетасида чоп этилган мақолада Франция Президентига “EDF”, “Orano”, “Suez”, “Lactalis” ва бошқа йирик компаниялар раҳбарларидан иборат делегация ҳамроҳлик қилаётгани таъкидланган. Бир қатор шартномалар имзоланиши керак, дейилади мақолада.

Нашрда қайд этилишича, Франция компаниялари аллақачон Тошкент инфратузилмасини модернизация қилишда фаол иштирок этмоқда. “Франциянинг “Veolia” ва “Suez” гуруҳлари мос равишда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти бошқарувида ўзини қўрсатди, — дейилади мақолада. — 2016 йилдан буён Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) Ўзбекистонда шаҳар инфратузилмаси, сув ҳўжалиги ва энергетика соҳаларида қиймати 1,3 миллиард евродан ортқ лойиҳаларни молиялаштириди”.

Франциянинг етакчи “BFMTV” телеканали дастурларида Франция президентлик институти Ўзбекистондаги “ислохотлар динамикаси”ни алоҳида таъкидлашни маъкул қўради ва ўзбек мейморчилиги ҳўрдонаси бўлган Самарқандга ташриф чоғида ҳўқуқий ислохотлар мавзуси ҳам муҳокама қилинишига ишонтирмоқда, дея таъкидланган.

ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАМКОРИ

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР САМАРҚАНДДА БЎЛИБ ЎТГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ САММИТИ АКУНЛАРИ ҲАҚИДА.

Франция Президенти Эммануэль Макроннинг 1-2 ноябрь кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи ўзбек — француз муносабатлари тарихида янги босқични бошлаб берди. Икки давлат раҳбарларининг мамлакатлараро муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш тўғрисидаги қелишув ишбу ташрифнинг энг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Франциянинг йирик компаниялари

Хосе Вентура БАЛЛЕСТЕР,
Испаниянинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар жамғармаси (FESEI) департаменти раҳбари:

— Бугунги кунда Тошкент ва Париж ўртасидаги жадал ривожланаётган муносабатлар Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги стратегик мавқеини ҳисобга олган ҳолда Европа Иттифоқининг энг муҳим иқтисодий ва сиёсий ҳамкори сифатидаги роли тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Дунёдаги ҳозирги мураккаб геосиёсий ва геоиқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда Европа Иттифоқи мамлакатлари Марказий Осиё минтақасини ноёб металллар ҳамда ўз саноати ва энергетикаси учун стратегик ҳамшённинг ишончли етказиб берувчиси, деб билишади.

Шу билан бирга, Марказий Осиё иқтисодийётнинг барча соҳасида улкан сармоявий ва савдо салоҳиятига эга. Бу эса Европадаги етакчи компанияларнинг минтақадаги иштирокчини кенгайтириш учун муҳим сабаб ҳисобланади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юраги бўлиб, у минтақанинг барча мамлакатлари билан чегарадош, бу эса унга минтақавий бозорга чиқиш учун энг қулай шароитни муҳайё қилади.

Ишончим комилки, Марказий Осиёни Европа билан Кавказ орқали янги савдо-энергетика йўлаги востасида боғлаш бўйича глобал режани амалга ошириш Ўзбекистонга Европа Иттифоқи учун ўз салоҳиятини янада теран ифодалаш имконини беради.

Франция Европа Иттифоқининг асосий иштирокчиларидан бири сифатида Ўзбекистонни барқарор, узоқ мuddатли ва ишончли шерик сифатида қўргани ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари билан стратегик ҳамкорликни янада ривожлантиришга янги туртки беришга интилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг икки мамлакат муносабатларини ҳар томонлама

раҳбарлари билан музокаралари иқтисодий алоқалар ва яқин сармоявий шериклик муносабатларини чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдор эканини намойён этди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Президент Эммануэль Макроннинг мамлакатимизга ташрифи Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг Франция ва бутун Европа Иттифоқи минтақавий сиёсатида муносиб геосиёсий давлат сифатидаги роли сезиларли даражада ошганидан далолат беради.

юқори даражадаги шерикликка олиб чиқиш нияти ҳақида айтган сўзлари ҳам Ўзбекистоннинг ушбу йўналишни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан манфаатдор эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган ишончли ва дўстона муносабатлар, уларнинг катта аҳамиятга молик халқро масалалар бўйича нуктаи назарлари яқинлиги ҳам муҳим ўрин тутди.

Денис БЕРДАКОВ,
киргизистонлик сиёсатшунос:

— Ушбу ташриф, менинг фикримча, ғайриоддий қадам ҳисобланади. Бир томондан, бу кутилган эди, аммо бугунги кундаги воқеалик Франция ва Ўзбекистон ўртасида сифат жиҳатдан янги имкониятлар пайдо бўлганини қўрсатмоқда.

Франция ўз махсулотлари учун янги бозорлар қидирмоқда, дунёдаги энг илгор мактаблардан бири бўлган муҳандислик мактабларидан фойдаланишни, шунингдек, Франция капиталини инвестиция қилиш учун бозорларини жиддий равишда қайта қўриб чиқмоқда.

Танлов, шубҳасиз, стратегик жиҳатдан қатор муҳим активларга эга бўлган Марказий Осиёга тўғри келади. Бунинг боиси минералларнинг улкан захираси, биринчи навбатда, газ, нефть, уран ва бошқа металллар, хусусан олтиннинг мавжудлиги билан изоҳланади. Булар минтақамизни Франция учун қўпгина йўналишларда энг яқин ва истикболли шерик қилганда.

Холислик билан айтганда, Франция меҳнат миграцияси доирасида ҳам минтақамиз билан ўзаро ҳамкорликни қўрмоқда, деб ўйлайман. Бу борада эса Марказий Осиё катта инсоний салоҳиятга эга.

Бугунги кунда Марказий Осиё Хитой ва Европа, Эрон ва Россия, Туркия ва Мўғулистон ўртасидаги товар ва технологик оқимларнинг янги чорраҳасига айланмоқда. Шунга қўра, яқин келажақда минтақамизга, хусусан, Ўзбе-

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК ҚАДАМЛАР

Уларда ТДТни институционал ислох қилиш, “янги иқтисодий имкониятлар макони”ни яратиш, ўзаро транспорт боғлиқлиги ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Туркий дунё билигини мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшган буюк шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий номидаги халқро муқофот биринчи марта тантанали равишда топирилади.

Ўтган йил давомида Ўзбекистон

Туркий маданият халқро ташкилотга тўлақонли аъзо бўлди. Шу билан бирга, ТУРКСОЙ тузилганининг ўттиз йиллиги тантанали равишда нишонланди.

Ўзбекистон аввалбошданоқ туркий тилли давлатлар, жумладан, Туркия билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришнинг фаол иштирокчилари ва ташаббускорларидан бири бўлган. Бирок 2000 йилдан бошлаб республика туркийзабон мамлакатлар саммитларида қатнашишни чеклади ва кейинчалик ўз иштирокчини тўхтатди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 сентябрь кун И Чўлпонотда (Қирғизистон) бўлиб ўтган VI саммитда фահрий меҳмон сифатида иштирок этиши ташкилот билан ҳамкорлик тарихидаги бурилиш нуктаси бўлди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг саммитда илк бор қатнашиши эди.

Ўшанда ТДТ билан алоқалар бўйича аниқ ташаббуслар, жумладан, Хивани “Туркий дунёнинг маданий пойтахти” деб эълон қилиш (2020 йил) ва ТДТ Ишбилармонлар кенгаши йиғилишларидан бирини (2019 йил) Тошкентда ўтказиш тақлифи илгари сурилган эди.

2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Наҳичеван битимини (2009 йил 3 октябрь) ратификация қилди ва ҳўжжат депозитарийга — Туркия Республикасига расмий хабарнома юборди.

Ўзбекистоннинг ташкилотга қўшилиши билан Туркий кенгашга аъзо бошқа давлатлар фаоли

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ



Кейинги йилларда жаҳон сиёсий доираларида туркий давлатлардаги ижобий ўзгаришларга, ривожланиш тенденцияларига, шунингдек, ўзаро алоқалар эволюциясининг моҳияти ва кейинги тараққиётига нисбатан қизиқиш ортиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия аъзо бўлган ҳамда Туркменистон ва Венгрия қузатувчи мақомида иштирок этаётган

Қардошлик ришталари

Туркий давлатлар ташкилотининг шаклланиш жараёни уч босқичдан иборат. 1992 йил қақирилган Туркий тилли мамлакатлар саммити аъзо давлатлар ўртасида интеграцияни қучайтириш йўлидаги биринчи қадам эди. 2009 йилда Озарбайжонда ўтказилган тўққизинчи саммитда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини (Туркий кенгаш) тузиш тўғрисида Нахичеван битими имзоланди. 2021 йили эса Кенгаш Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) деб ўзгартирилди.

Мамлакатимиз ташкилотга 2019 йилда аъзо бўлиб қирган. 2022 йил 11 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Давлат раҳбарлари кенгаши ТДТнинг биринчи саммити бўлиб, унда Ўзбекистон ташкилотдаги раислиқни Туркиядан қабул қилиб олди. Таклиф ва ташаббусларга бой бўлган ушбу тадбирга қизиқиш ҳар доимгидан кўра юқори бўлди. Негаки, Самарқандда бўлиб ўтган тарихий саммит аяқларни ташкилот ривожига янги даврни бошлаб берди. Қатор муҳим ҳужжатлар, жумладан, савдо ва боғжона тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда Инвестиция жағмармасини ташкил этиш тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон раислигида ўтаётган йилда Туркий давлатлар ташкилотида муҳим аҳамиятга молик ва кенг қамровли ишлар амалга оширилди: кўп томонлама шериклиқнинг барча йўналиш ва соҳаларини қамраб олган ўттиздан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди, ҳамкорлик янада кенгайди, янги юксалиш суръатига эришилди. Шунингдек, ташкилотни институционал жиҳатдан ислоҳ қилиш, “янги иқтисодий имкониятлар макони”ни яратиш, транспорт соҳасида ўзаро боғлиқлиқни мустақамлаш ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ҳамкорликни қучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугун ТДТга аъзо ва қузатувчи мамлакатларда тахминан 173 миллионга яқин аҳоли яшайди, бу дунё аҳолисининг 2 фоиздан кўпроғини ташкил қилади. Ушбу мамлакатлар ҳиссасига сотиб олиш қобилияти паритети

билан ҳисобланган дунё ялпи ички маҳсулотининг 3 фоиздан ортиғи тўғри келади. ТДТнинг яна бир ўзига хослиги ушбу тузилманинг ҳамкорлик учун кўп қиррали йўналишлари мавжудлигида. Хусусан, Нахичеван битимининг 2-моддасига биноан тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш, қўллаб-қувватлаш масалалари, шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, маданий, илмий-техник, ҳарбий-техник, таълим, энергетика, транспорт, кредит соҳаларида самарали минтақавий ва икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари ташкилотнинг муҳим мақсад ҳамда вазифалари сирасига қиради. Ўз навбатида, ТДТ доирасидаги ҳамкорлик савдо ва инвестиция учун қулай шарт-шароитлар яратиш, боғжона ва транзит тартибини янада соддалаштириш, шунингдек, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, спорт ва туризм соҳасидаги шериклиқни кенгайтириш, туркий халқлардан буюк маданий ва тарихий меросини оммалаштиришга қаратилган.

Ушбу мақсадларга эришиш учун ТДТ қошида 6 та тузилма — Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос фонди, Туркий савдо-саноат палатаси, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилий тузилма ТДТ олдида қўйилган вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

2021 йил Истанбул саммитида қабул қилинган “Турк дунёси нигоҳи — 2040” концептуал ҳужжати доирасида ТДТ ўзаро инвестиция учун қулай шароит яратишга, боғжона ва транзит жараёнларини соддалаштиришга, фан, технология, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар сиёсати, спорт ва туризм соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантиришга интиломоқда.

Шуниси эътиборлики, моҳиятан, ТДТ қатнашчилари Ўзбекистоннинг азалий савдо шериклари ҳисобланади. Ташкилот аъзолари эса мамлакатимизга улар билан ҳамкорлиқни янада кенгайтириш

Туркий давлатлар ташкилотининг нуфузи тобора юксаяпти.

Бугунги кунда қўллаб-давраштираш минтақавий ташкилотлар атрофида жамланишга эътибор қаратишаётир. Чунки бундай платформалар мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликка мос заминни таъминлаяпти. Шу жиҳатдан Туркий давлатлар ташкилоти йигирма биринчи асрнинг прагматик ҳамкорлиги ва динамик реаллиқларига мувофиқ тарзда ривожланиб бораётган муҳим тузилмадир.

учун қўшимча имкониятлар яратди. Иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз борар экан, бу борадаги ютуқларни Ўзбекистоннинг ташкилот доирасидаги иқтисодий ҳамкорлиги мисолида қўриб чиқиш мумкин.

2022 йилда Ўзбекистоннинг ТДТ билан ўзаро товар айланиши ҳамжи салкам 10 миллиард долларга етди. Бу мамлакатимиз ташқи савдосининг 22 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич 2016 йилдаги маълумотлар билан солиштирсак, Ўзбекистон ТДТ мамлакатлари билан савдо ҳамжини ўш маротаба оширгани яққол намоён бўлади. Ўзбекистон ТДТ мамлакатлари бозорларида тўқимачилик маҳсулотлари, электр энергия, автомобиль бутловчи қисмлари, боғдорчилик ва қора металлургия маҳсулотларини экспорт қиломоқда. Айни вақтда мамлакатимиз металл маҳсулотлари, алюминий, қурилиш материаллари, нефть маҳсулотлари ва дан импорт қилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокчи давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка катта эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини яратиш, савдо тўсиқларини бартараф этиш, электрон тижоратни кенгайтириш ва савдо ҳамжини ошириш ташаббусларини илгари сурди. Туркий давлатлар ўртасида савдо соҳасидаги салоҳиятни ўрганиш ва конструктив лойиҳалар ишлаб чиқиш мақсадида “Савдо ҳамкорлиги бўйича тадқиқот маркази” ташкил этиш таклифи ҳам Президентимизга тегишли. Бунинг амалий исботи ўлароқ Тошкентда ТДТ қишлоқ хўжалиги вазирларининг биринчи учрашуви ўтказилди, унинг доирасида ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, жумладан, илмий-техникавий инновацияларни илгари суришга келишиб олинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича ишчи гуруҳи доирасида бешта қўмитага асос солишга қарор қилинди. Ўзбекистон учун ТДТда энг устувор йўналиш иқтисодий муносабатлар санолади. Бу инфратузилмаларни яхши-

лаш ва қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишдек масалаларни кун тартибига олиб чиқади. Расмий Тошкент ёндашуви аввалроқ қабул қилинган “Турк дунёси нигоҳи — 2040” мақсадларига деярли мувофиқ келади. ТДТ ушбу ҳужжат асосида ўз маконида фаровон минтақани яратишни кўзда тутган.

Бу борада ташкилот доирасида Самарқандда Инвестиция жағмармасининг ташкил этилгани диққатга сазовор. Бундай ташаббуслар мамлакатларнинг савб-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва сармоялар самарадорлигини оширишга ёрдам бериши, шубҳасиз. Шу ўринда қайд этиш жоизки, 2017 — 2022 йиллар давомида ТДТ иштирокчи мамлакатларининг Ўзбекистонга ётқизган сармоялари миқдори 2,5 миллиард АҚШ долларидан ошди. Мазкур рақамлар мамлакатимизга қиритилган умумий сармояларнинг 10 фоизига тенг. Шунингдек, ТДТ давлатларининг инвестициялари 2017 йилдан бошлаб 30 фоизга ошди.

Мамлакатимиз учун яна бир муҳим масала — рақамли трансформация ҳисобланади. Зеро, рақамлаштириш ҳар бир давлат ривожининг бош мезонига айланган. Ушбу мавзуга “Турк дунёси нигоҳи — 2040” дастури доирасида алоҳида ўрин ажратилган. Бу борадаги ҳужжат рақамли бирлашмаларни ташкил этиш ва телекоммуникациявий инфратузилмаларни яхшилашни кўзда тутди. Айниқса, сунъий интелект аҳамиятини ҳисобга олсак, тахмин қилиш мумкинки, технология соҳадаги ҳамкорлик ҳам саноат, ҳам шаҳарлар инфратузилмалари ўлчами бўйича кенгайиб бораверади.

Ўзбекистонимиз катта аҳамият бераётган ҳамкорлиқнинг яна бир йўналиши — бу маданий ва гуманитар алоқаларни мустақамлаш. Чунки ТДТнинг иштирокчи мамлакатлари умумий ил-дизларга эга. Таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги ҳамкорлиқни академик алмашувлар ва қўшма маданий тадбирлар ўтказиш орқали кенгайтириш имконияти юқори. Шу маънода, Тошкент ТУРКСОЙ доирасидаги фаолиятни қўллаб-қувватлашда давом эта-

ди. Қолаверса, Ўзбекистон таклифи билан 2022 йил Туркий давлатлар ташкилоти маконида “Ёшлар ташаббуслари-ни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинган эди. Унинг доирасида Бухоро шаҳри Туркий дунё ёшлар пойтахти мақомига эга бўлди.

Бошқа томондан, ТДТ мамлакатлари ўртасидаги алоқаларда транспорт-логистика сектори муҳим ўрин тутди. Самарқанд саммити кўпроқ ана шу муҳим мавзуга бағишланди, десак, янглишмаган бўламыз. Ўзбекистон транспорт йўлакларини ривожлантиришга бўлган интилишларни юқори баҳолайди. Чунки ТДТ мамлакатларида Европа ва Осиёни боғлаш имконияти бор. Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, туркий давлатлар Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги алоқани таъминловчи кўприк бўлиб қилиши мумкин. Айни пайтда давлатимиз раҳбари Хитойдан бошланиб, Каспий денгизи орқали Кавказ, у ердан Европага чўзилган Ўрта йўлакни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратиб келмоқда.

Яна бир устувор йўналиш — минтақамизда хавфсизлиқни ишончли таъминлаш масаласи. Сўнгги пайтларда жаҳоннинг турли нукталаридаги зиддиятлы воқеалар туркий дунёнинг умумий хавфсизлигига ҳам таъсир ўтказяпти. Бундай мураккаб вазиятда терроризм, экстремизм, ёшларнинг радикаллашуви, одам савдоси, наркотраффика қарши курашиш, жамоат ва киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва махсус хизматлар доимий алоқада бўлиши ҳамда ҳамкорлиқни қучайтириш лозим.

Шу маънода, ўтган ҳафта Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда ТДТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгаши котибларининг йиғилиши ташкил этилиши хавфсизлиқнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш ҳамда бугунги нотинч дунёдаги умумий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда жавоблар ишлаб чиқиш учун самарали майдон бўлиб хизмат қилди.

Бу борадаги ҳамкорлик механизми ТДТ маконида хавфсизлик соҳасидаги мулоқотни мутлақо янги даражага олиб чиқиши, шубҳасиз.

Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янги сифат босқичига қўтариш, унинг нуфузини янада ошириш, ҳамкорлик салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, қабул қилинаётган қарорлар ва келишувлар ижросини таъминлаш энг долзарб вазифа саналади. Ташкилот доирасида аммо очик тан олиш керак, буларни тизимли мувофиқлаштириш ва натижадорлигини таъминлаш борасида ҳали анча иш қилиниши лозим. Асосийси, ташкилот келгусида мутлақо янги, самарали тизим асосида ишлаши учун умумий савб-ҳаракатларни бирлаштириш зарур.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ТДТнинг Самарқанд саммитида ташкилотда институционал ислохотлар ўтказиши таклиф этди. Бунда, аввало, устувор йўналишлар бўлган сиёсат ва хавфсизлик, савдо ва инвестиция, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ахборот технологиялари, туризм, инновация ва таълим, тиббиёт, ёшлар ва бошқа соҳалар бўйича вазирлар даражасида алоҳида қўмиталар тузиш таклиф қилинди. Бундан ташқари, ташкилот Котиблатининг ўрни ва таъсирини кескин ошириш мақсадида унинг янги тузилмаси жорий йилнинг 3 ноябрида Остонада бўлиб ўтадиган саммитда тасдиқланишига ишонч билдирилди.

Мухтасар айтганда, Туркий давлатлар ташкилоти туркий олами бирлаштирувчи юқори салоҳиятга эга минтақавий ташкилотдир. Унинг тобора жозибадор тузилмага айланиб бораётгани ҳам шундан. Шу нуктаи назардан, барча иштирокчи давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ТДТ доирасидаги ҳамкорлик жараёнларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдордир.

Абдували СОЙБЕНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Олий Мажлис Сенатида

«ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ»НИНГ ИЖРОСИ ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

Парламент юқори палатасида Олий Мажлис Сенатининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлиги бўйича комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси, комиссия раиси Т. Норбоева олиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган амалий ҳаракатлар режалари (“йўл хариталари”) ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Йиғилишда Корея Республикаси билан олий даражада эришилган аниқ келишувлар доирасида қатор ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Хусусан, жорий йилда Жиззах вилоятида 7 млн. долларлик “Оптик тола ишлаб чиқаришни кенгайтириш” лойиҳаси ишга туширилди. Натижада йилга 85 минг километрлик оптик толали кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Фарғона вилоятида эса 7 млн. долларлик Касбий таълим маркази тўлиқ ишга туширилди. Манзилли рўйхат асосида 223 нафар ишсиз бўлган шахс, асосан, ёшлар ва хотин-қизлар ўқитилмоқда. Худди шу каби лойиҳа Хоразм вилоятида ҳам бошланган.

Шунингдек, Корея Республикаси Хукумати томонидан “Худудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳасига 74 млн. доллар ажратилиши маълумланди. Лойиҳа доирасида 35 турдаги қамчи 8 минг

455 та тиббий жиҳоз Корея Республикасидадан келтирилиш режалаштирилмоқда. Қолаверса, Орол денгизи инкүрози оқибатларини бартараф этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 5,6 млн. долларлик “Яшил тикланиш” инвестиция лойиҳаси амалга ошириляптир. Яшил ўсим глобал институти (Корея)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилди. Институт Оролбўйи минтақасининг яшил тикланишини молиялаштириш ишларини бошлади.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик барқарор ривожланиб бормоқда.

Шу билан бирга, тадбир давомида “йўл хариталари”даги кечикиш билан бажарилаётган айрим вазифаларга эътибор қаратилди ва сабаблари бирмабир таҳлил қилинди. Хусусан, “йўл хариталари” ижросига масъулиятсизлик билан ёндашган вазирлик ва идоралар раҳбарлари масъулиятини ошириш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тақлифлар берилди ҳамда муддатлар белгиланди.

Мажлис якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар асосида комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИЗЧИЛ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ МУЛОҚОТ — РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Хар бир мамлакат тараққиёти ундаги барқарорлик, дўстлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва яхши қўшничилик муҳитининг сақланишига узвий боғлиқ.

Шу пайтга қадар 137 та давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатган мамлакатимиз ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини шакллантирди ва уни ўзаро манфаатли соҳаларда ривожлантирмоқда.

Акс садо

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва юқори савиядаги музокараларда фаоллиги туфайли “Дунёга очилик сиёсати”га содиқ қолаётган Ўзбекистоннинг янги ҳамкорлари, хайрихоҳлари ортиб бормоқда. Дунёнинг йирик давлатлари билан муносабатимиз стратегик шериклик даражасигача қўтариляпти.

Куни кеча юртимизга таширф буюрган Франция Президенти Эммануэль Макрон ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий сиёсати туфайли икки мамлакат

ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик учун катта имкониятлар очилганини таъкидлади.

Француз компаниялари томонидан Марказий Осиё минтақасига инвестиция қиритишда Ўзбекистондаги ижобий ислохотлар муҳим ўрин тутаетганига алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиздаги ислохотлар янги босқичга чиққани, бу эса Франциянинг минтақда қиритадиган инвестицияларини қўллаб-қувватлашда жуда муҳим ўрин тутуши қайд этилди.

Таъкидлаш керак, буларнинг

барчаси Президентимизнинг иқтисодий дипломатия бўйича стратегияси самарасидир. Зеро, Ўзбекистон томонидан халқаро майдонда илгари суриляётган ташаббуслар ва савб-ҳаракатлар ташқи алоқалар географиясининг кенгайишига, қолаверса, мамлакат иқтисодий дипломатиясининг қучайишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон аънавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни қучайтириш каби бир қатор мақсадлар доирасида кенг қамровли ислохотларни самарали амалга ошириб келаяптир.

Бинобарин, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши — Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни мустақамлашга қаратилган. Бу эса ўз навбатида, ижобий самара бермоқда.

Олиб борилган кенг қўламли

Сенат қўмитасида

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ НЕГА ОРТДА ҚОЛМОҚДА?

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси йиғилишида Тошкент вилоятида ўтказилган ўрганишлар натижалари танқидий муҳокама этилди.

Тадбирда Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги “2022 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва соҳада олд бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан Тошкент вилоятидаги прокурор назорати ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда юртимизда кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Бунда “Халқни рози қилиш” тамойилига асосан аҳолига хизмат кўрсатувчи ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилмани ривожлантириш объектларини қуришга катта аҳамият берилляпти. Шу мақсадларда худудлардаги ҳақиқий ҳолат ва талабдан келиб чиққан ҳолда ҳар йили янги

мактаб, боғча, касалхона, соғломлаштириш масканлари қуриляётган бўлса, мавжудлари замон талабига мос равишда қайтадан таъмирланмоқда.

Табиийки, бу ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда прокурор назорати салмоқли ўринга эга. Бунинг Тошкент вилояти прокуратураси органлари ҳузурида тузилган худудий штаблар томонидан олиб бориляётган савб-ҳаракатлар мисолида ҳам қўриш мумкин.

Улар томонидан қурилиш ишлари сифати ва ҳамжининг ҳаққонийлиги ўрганилиб, 150 та объектда 10,6 млрд. сўмлик иш сифатсиз бажарилгани, 106 та объектда эса 4,8 млрд. сўмлик қўшиб ёзиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланган.

Тегиили дастур ижроси юзасидан ўтқа-

зилган назорат тадбирлари давомида прокуратура органлари томонидан 19 та жиноят иши қўзғатилиб, 14,4 млрд. сўм миқдорда зарар қолланган. Шу билан бирга, вилоятдаги ҳар бир объектнинг лойиҳа-смета ҳужжати қайта ўрганилиши натижасида 994 та лойиҳада 216,8 млрд. сўм маблаг бюджетдан ортиқча харажат қилинишининг олди олинган.

Бундан ташқари, қурилиш ишлари суст олиб бориляётган 35 та объектга 845 нафар маҳаллий ёш жалб этилиб, бандлиги таъминланган.

Сенаторлар ижобий ишлар билан бир қаторда, вилоятда ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантириш объектлари қурилишида камчиликлар сақланиб қолаётганига ҳам эътибор қаратди. Масалан, дастурдаги 13 та объект ўтган йилда фойдаланишга топширилиши лозим бўлса-да, ўрганиш қунига қадар иш аяқланмаган, фойдаланишга топшириш далолатномалари тўлиқ расмийлаштирилмаган.

Қолаверса, дастур доирасида жорий йилда топширилиши лозим бўлган 101 та объект режадан ортда қолмоқда, янгидан қурилиш режалаштирилган 21 та объектда ҳали иш бошланмаган.

Шунингдек, жорий ўқув йилида фойдаланишга топширилиши керак бўлган 4 та мактаб ҳамда 7 та мактабгача таълим ташкилотида қурилиш аяқланмаган. Юқори Чирчиқ, Бўстонлик, Қибрай, Янгийўл туманларида 2 тадан, Чирчиқ, Нурафшон шаҳарлари ҳамда Бекобод туманида биттадан ана шундай объектлар мавжуд.

Шулардан келиб чиқиб, йиғилишда қурилиш ишларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишига пудратчилар масъулиятини янада ошириш, қурилиш ишларига тўсик бўлаётган муаммоларни мутасадди ташкилотлар томонидан бартараф этиш, бу борада прокуратура органларининг назорат фаолиятини қучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама якунида Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ
ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАГИ
ЎРНИ КЕНГАЯДИ

Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Утган даврда мамлакатимизда қабул қилинган "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида бугунги кунда хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги ошмоқда, уларнинг давлат бошқарувидаги иштироки янада кенгаймоқда. Энг муҳими, улар барча соҳадаги ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланиб бораётир. Фикримиз исботини ташаббускор ва фаол аёлларимиздан 2 минг нафарга яқини давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилаётгани, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани мисолида ҳам қўриш мумкин.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 58-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли экани белгилан қўйилган. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали бошқарув лавозимларидаги улар улушини 30 фоизга ошириш масаласи ўз аксини топгани юртимизда хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни нақадар беқиёс эканлигидан далолат беради.

Кейинги йилларда бу бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон гендер тенглик масалалари бўйича қатор халқаро рейтингларда юқори поғоналарга кўтарилди. Жумладан, Парламентлараро Иттифокнинг 2023 йил 1 январда эълон қилинган "Сиёсатдаги аёллар" жаҳон рейтингиде дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида мамлакатимиз 52-ўринни банд этди. 2023 йил сентябрда эълон қилинган ОЧК гендер маълумотлар индексиде Ўзбекистон 69,7 балл тўплаган ҳолда жаҳондаги энг яхши 20 та мамлакат орасидан жой олди.

БМТ Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғининг 2023 йилги ҳисоботида кўра, 166 та мамлакат орасида Ўзбекистон мавқеи 8 поғонага кўтарилиб, 69-ўринда қайд этилди.

Мазкур ҳафта бошида Олий

Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган ҳамда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган нормаларни ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Инунин, бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатга кўра, Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан 40 фоизга оширишни назарда тутувчи ўзгартришлар киритилди.

Агар ҳорижий таърибага тўхталадиган бўлсак, Италия сайлов қонунчилигида аёллар учун аниқ фоизли квоталар мавжуд эмас. Бироқ Италия 2019 йилда сиёсий партиялар учун гендер квотаси қонунини киритди. Унга кўра, партиялар миллий ва Европа парламент сайловлари учун партия рўйхатларида тенг миқдордаги эркак ва аёл номзодларни кўрсатишни талаб қилади.

Францияда эса 2000 йилда сиёсий партиялар учун гендер квотаси қонуни жорий қилинган. Мазкур ҳужжат парламент ва Европа сайловлари учун партиялар рўйхатига эркак ва аёл номзодларнинг муқобили шакли бўлишини талаб қилади. Бу шунинг аниқлаштириши, ҳар бир эркак номзод учун аёл номзод кўрсатилиши керак ва аксинча.

Шубҳасиз, "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартришлар киритиш тўғрисида"ги қонун хотин-қизларнинг вакиллик органларидаги ҳамда уларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини таъминлаш саъй-ҳаракатларини янги босқичга олиб чиқади. Айни чоғда аёлларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ролини қучайтириш ҳамда уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Нодир АБДУВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БИР ДАРЁДАН СУВ ИЧГАН ЭЛАРМИЗ



Минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшнчилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради.

Шу маънода, тарихчи сифатида қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасидаги муносабатларни ўрганиш тақдиримга ёзилганидан миннатдорман. Гап шундаки, бу мавзунинг 35 йил муқаддам таниқли ўзбек олимни, тарих фанлари доктори, профессор

Абадий дўстлик

Устознинг маслаҳати билан Тошкент шаҳрида уч йилга яқин архивда ишладим, икки халқ ўртасидаги тарихий алоқаларга оид қўлпаз маълумотлар тўпладим. Ва 1994 йилда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги "Қирғиз ва ўзбек халқларининг тарихий алоқалари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Шу аснода икки халқ ўртасидаги тарихий ришталар ва муносабатлар жуда бой эканига амин бўлдим.

Қирғиз ва ўзбек халқлари асрлар давомида ёнма-ён яшаб, бир дарёдан сув ичган, тили, дини, бозорини мазори бир бўлиб, ташқи душманлардан биргаликда ҳимояланган. Қўшн кунда бир-бирини ташлаб қўймаган, дарду қувончларини ўзаро баҳам кўрганлар.

Дунёга донги кетган буюк саркарда Амир Темури, сўнгра Мирзо Бобур даврида ҳам, кейинчалик Жунгор хонлигининг босқинчилигига қарши курашда қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасидаги муносабатлар чуқурлашиб, XVIII аср бошларида биргаликда Қўқон хонлигига асос солган, хонлиқнинг 167 йиллик тарихи мобайнида ягона давлатда бирга яшган. Улар мамлакатни ташқи душмандан ҳимоялашга ҳам бир тану бир жон бўлишгани тарихдан маълум. 1865 йилда қирғиз элининг атоқли саркардаси Алимкул Тошкентни Россия империяси босқинидан ҳимоя қилишда қаҳрамонлик кўрсатди, шахид бўлди, жасади Тошкентда дафн этилди. Яна бир ўлгон, Пўлатхоннинг жасади ҳам Марғилонда мангу кўнмин топди. Бутун қирғиз ва ўзбек халқи уларни қўллаб-қувватлади, ортидан эргашди, озодлик учун курашда елкадош бўлди.

Халқларимиз Россиянинг Ўрта Осиёга босқини ва ундан кейинги мустамлакачилик азобини ҳам бирга тортиди, Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Жетисув вилоятларида бир эл бўлиб яшади. Улар Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати қарши, айниқса, 1898 ва 1916 йиллардаги озодлик курашида бир сафда бўлганлиги тарих унутмайди. 1898 йилги кўзғолон бостирилгач, 10 дан ортиқ кишилар осилди, 500 дан кўпроғи Сибирга сургун қилинди, оддий халқ катта миқдорда бадал тўлади.

Қўқон хонлиги ва ундан кейинги рус мустамлакачилиги даврида қирғиз ва ўзбек ёнма-ён туриб, Фарғона водийсидаги каналларни қазиб ва сўғориш ишсўтларини барпо этишда қатнашди. Улар табиий офатларда — қўқламги тошқинлар ёки зилзилалар пайтида ҳам, чорва моллари нобуд бўлиб, қўчманчилик очарчиликка юз тутганда ҳам хаммаша бир-бири билан бақамти бўлган, ёрдам қўлини чўзган. Масалан, 1902 йил 3 декабрь куни Андижонда қучли зилзила юз бериб, шаҳар вайронагарчиликка юз тутди. Бу ер ости силкинишида Андижон шаҳрида 1 мингдан зиёд, атрофдаги 158 та қишлоқда 3 минг 342 киши нобуд бўлган.

Уша пайтдаги маълумотларга кўра, 30 минг уй яроқсиз аҳволга келган. "Туркестанские ведомости" газетасида шундай пайтда қўшни қирғиз халқи биринчилар қаторида ёрдам қўлини чўзгани, уй-жойидан айрилган ва жабр кўрган аҳолига зилзиланинг эртасигаёқ 40 минг дон на етказиб берилгани ҳақида ёзилган эди. Газетада, шунингдек, яқин атрофдаги қишлоқлар аҳолиси зудлик билан бўз уйлар йиғиб, жабрланганларга етказгани ҳақида ҳам хабар берилади.

1910 йилнинг 22 декабрида эса қирғизлар истикомат қилган Пишпек водийсининг Чўнкемин ҳудудида ҳам худди шундай қучли зилзила содир бўлган. Катта талафотга сабабчи бу табиий офатда қирғизларга биринчи ёрдамни ўзбек халқи кўрсатгани тарихий манбаларда сакланиб қолган.

Икки қўшни халқ ўртасидаги қон-қардошлик, аҳилик шоир ва ҳофизларнинг яқин муносабатида ҳам кўринади. Шу пайтгача атоқли қирғиз оқини Тўғулқот Сотилганов билан ўзбек халқининг машҳур ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмухамедов ўртасидаги учрашув, икковининг икхоний рақобати халқ орасида афсонага айланган. Санъаткорларнинг бундай илқ муносабатлари ҳақидаги ҳикоялар ҳам бир мақолага сиймайди.

Икки халқ ўртасидаги алоқалар совет ҳокимияти даврида ҳам мустаҳкам бўлган. Абдиқодир Ўрозбеков ва Ўйлош Охунбобоев, Усмон Юсупов ва Ишқ Раззоқов ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Қирғизистон Компартияси Марказий қўмита-



сининг биринчи котиби Ишқ Раззоқов Ўзбекистонда раҳбар сифатида тарбияланган, сўнгра Усмон Юсупов тақлифи билан Қирғизистонга юборилган. Яна бир ибратли воқеа, 1985 йилда — қайта қуриш даврида, Москва Ўзбекистонга тўхмат тошларини ёғдирганида қирғизнинг буюқ фарзанди, дунёга машҳур адиб Чингиз Айтматов ўз мақоласи билан ўзбек халқини ҳимоя қилиб чиққан эди.

Ўзбекистоннинг бугунги раҳбари ҳам қирғиз халқига самимий муносабат билан машҳур. Президент Шавкат Мирзиёев қисқа вақт ичида ўзини ҳақиқий етакчи сифатида кўрсатди, Ўзбекистонда туб ислохотларни амалга ошириб, тараққиётга кенг йўл очди. Айни чоғда у ўзбеклар билан асрлар давомида ёнма-ён яшаб келаётган қирғиз халқига алоҳида ҳурмат-эҳтиромини амалда тасдиқлади.

Бунни қўйдаги мисоллардан ҳам билса бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан Жиззах вилоятидаги Манас қишлоғи 45 кун ичида обод этилиб, бутунлай янги шаҳарчага айланди. Бу билан у нафақат қирғизлар истикомат қиладиган қишлоққа, балки халқимиз муқаддас тутган "Манас" достонига ҳам ўз ҳурматини билдирди.

Иккинчидан, Ўзбекистон етакчисининг қирғиз аъналарига, жумладан, шеърятига муҳаббати икки давлат раҳбарларининг 2017 йилда Бишкекда бўлиб ўтган учрашувда аққол намоян бўлди. Ушбу учрашувда қирғизистонлик ёш истеъдодли шоир Идрис Айтбоевга дўстликни мадҳ этишга қўшган ҳиссаси учун замонавий автомобиль ва уч хонали квартира совға қилинди.

Учинчидан, қирғизларни дунёга тараннум этган буюқ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг 90 йиллик юбилеи 2018 йилда давлат раҳбари қарори асосида Ўзбекистонда катта шодиёна билан нишонланди. Айрим шарҳловчилар ёзувчининг 90 йиллиги ўз Ватанидан кўра, Ўзбекистонда кенгроқ нишонланганини эътироф этди. Уша йили Тошкентнинг бош кўчаларида бирига Чингиз Айтматов номи берилди, ҳайкал ўрнатилди.

Тўртинчидан, кўп йиллардан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган икки давлат ўртасидаги чегараларни аниқлаштиришдек мураккаб ва ечими оғир муаммони ҳал этишда ҳам Шавкат Мирзиёевнинг ўрни алоҳида. Айни пайтда чегара масаласи ҳал қилинган, икки давлат ўртасида тинч-тотув ҳаёт, ўзаро борди-келди бир маромад давом этапти.

Бешинчидан, камина ҳам бевосита Шавкат Миромонович кўмағида Тошкент шаҳридаги Марказий давлат архивига ишлаш имконига эга бўлдим. Бунгача Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига Қирғизистон тарихига оид архив ҳужжатлари йўқлиги, шунинг учун рухсат берилмаслиги ҳақида жавоб олган эдик. Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланганидан кейин Қирғизистонга илк расмий ташрифи чоғида бу масала муҳокама қилинди ва икки давлат ташқи ишлар вазирларига топшириқ берилди.

Архив раҳбарияти биздан ҳар доим ўз ёрдамини аямайди. Бироқ архив ҳужжатларини олиш жуда қimmat туради. Фурсатдан фойдаланиб, қирғиз тарихчиларининг архив ҳужжатлари арзон ёки бепул тақдим этилиши борасидаги илтимосини билдирмоқчиман.

Умуман, юқорида келтириб ўтилган мисоллар Ўзбекистон Президентининг қирғиз халқига бўлган меҳрининг бир парчаси, холос. Ён қўшни — жон қўшни, қардош мамлакат раҳбарининг бу меҳрини доим қадрлаймиз.

Кияс МОЛДОКАСИМОВ,
«Мерос» фонди раиси, тарих фанлари номзоди, Қирғиз Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

КУНДАЛИК ҲАЁТ ТАРЗИМИЗГА
АЙЛАНИШИ ШАРТ БЎЛГАН ҚОИДА

Маълумки, коррупция жамиятни ичдан емирадиган, давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган зарарли иллат. Шу боис барча тараққиётпарвар жамиятларда унга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга алоҳида ургу берилади.

Нуктаи назар

Бу борада юртимизда ҳам кенг қўламли чоралар амалга оширилаётди. Президентимиз таъбири билан айтганда, коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтпаямиз. Албатта, бу осон бўлмаслиги аниқ. Яъни коррупцион ҳолатларнинг олдини олишда бутун жамият яхлит бир қучга айланиши талаб этилади. Зеро, коррупция сўзи луғатлардан қикмас экан, ҳеч бир мамлакатда ривожланиш бўлмаслиги аниқ.

Коррупция маълум бир тармоқ доирасидаги иллат эмас, у аллақачон жамиятнинг барча бўғини, иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг жон томирига кириб улгурган. Ўзини ҳурмат қилган, юрт тараққиётининг эртасини ўйлаган ҳар бир фуқаро бу иллатга қарши туриши, унинг йўлига тўғанок бўлиши лозим.

"Ўзбекистон миллий метрология институти" давлат корхонасида ҳам коррупция ва бу иллатнинг олдини олишга қаратилган тизимли ишлар йўлга қўйилган. Институтизмизда 2021 йилда коррупцияга қарши курашиш қоплаенс назорат хизмати жорий қилинган. Бу тизим коррупцион ҳолатларга вақтида барҳам беришга хизмат қилаётганлигини натижалар мисолида кўриб турибмиз.

Президентимизнинг 2021 йил 16 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарала амалга оширишга доир қўшимча чораларни тўғрисида"ги Фармонида асосан, Ўзбекистон миллий метрология институтида ISO 37001:2019 "Пора олиш-

бериш билан курашиш менежменти тизимлари. Фойдаланиш бўйича талаблар ва қўлланма" халқаро стандарти жорий қилиниб, институт ва ҳудудий филиалларда сертификатлаштирилди. Яъни Ўзбекистон миллий метрология институтида коррупцияга қарши кураш ҳаракатлари бир зумга ҳам сусайгани йўқ. Институти ва унинг жойлардаги 16 та филиалида фаолият олиб бораётган жамоамиз аъзолари орасида бундай иллатга чалинган ёки шунга мойиллиги бор ходимларнинг йўқлиги, албатта, қувонарлидир.

Шунга қарамай, коррупцион иллатларга қарши турли хилдаги маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, маънавият-маърифат тарқатувчилар ва устозлар иштирокида ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилиб боришмоқда. Бир сўз билан айтганда, институтизмиз жамоаси "халоллик вакцинаси" билан эмланмоқда. Коррупция инсон обрўсини ер билан битта қилиши, оиласи, яқинлари учун иснод, бир умрлик тамга бўлиб қолишини, қолаверса, бунга қарши жазо муқарарлигини ҳар бир ходимимиз яхши ҳис қилади.

Утган 2022 йил якунида ҳам институтизмизда "Qacs international" Туркия корхонаси томонидан аудит ўтказилиб, ISO 37001 "Пора олиш-бериш билан курашиш менежмент тизимлари" халқаро сертификати олинди. Коррупцияга қарши кураш мунтазам ўзгариш ва янгиланишларни талаб қилади. Шу нуктаи назардан, бу иллатга қарши амалга оширилаётган профилактик ишлар ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар орқали ёритиб бориляпти. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш қоплаенс назорат хизмати режали ва манзили иш олиб

бориб, ташкилот ва идоралар билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Биргина 2023 йилнинг шу кунига қадар 16 та ҳудудий филиалимиз ҳамда Тошкент шаҳрида 500 дан ортиқ корхоналар билан турли масалалар мавжудлиги бўйича аноним сўровномалар ўтказилиб, таҳлил қилинди. Ҳудудий филиалларда тузилган шартномаларни танлаб олиш йўли билан 260 га яқин корхоналарда қайта алоқа тизими орқали ўтказилган сўровномалар таҳлили натижасида институтининг 60 дан ортиқ ходимлари орасида аноним сўровнома ўтказилди.

Мурожаатларнинг бажарилиш муддати таҳлил қилинганда, "е-метрология" ахборот платформасида ҳар 15 кунда 1 800 дан зиёд электрон мурожаатлар ўрганилиши натижасида айрим ходимлар баъзи ҳужжатларни тўлдиришда камчиликларга йўл қўйгани маълум бўлди. Аниқланган жиддий камчиликлар бўйича 4 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди, 20 нафар ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди, 18 нафар ходимлар қатъий оғохлатирилди.

Ҳар чоракда 2022 йил 12 январда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори ижроси бўйича олиб борилган ишлар кўриб чиқилиб, маълумотлар агентликка тақдим этиб келинмоқда.

Сирасини айтганда, коррупция — ижтимоий барқарорлик қушандиси. Шундай экан, мазкур иллатга қарши кураш олиб боришга нафақат давлат органлари, балки жамият ва умуман, барча фуқароларимиз масъулдир.

Маъруфжон ЖАЛИЛОВ,
«Ўзбекистон миллий метрология институти» ДК директори ўринбосари.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятга келган қўламлар тақриб қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Газетанинг мукабб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.15

Топширилди — 02.30

1 2 3 4 5 6